

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Фируз Туйғунович Рашидов

ЎзХИА Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан бугунги кунгача инсон ва шахс ҳуқуқлари, виждон ва эътиқод эркинлигига оид масалаларда амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг асосида жамият ижтимоий ҳаётида юз берган янгиликлар ва Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси мазмун-моҳиятига оид масалалар акс эттирилган.

Калит сўзлар: стратегия, инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, концепция, диний ташкилот, ислоҳот, давлат, конфессия, маърифат ва диний бағрикенглик

2017 йил Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг муҳим босқичи сифатида эътироф этилади. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да инсон ҳуқуқларини, шу жумладан виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди. Миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчидан, турли миллат ва дин вакиллариининг ўз салоҳиятини тўлақонли амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун конституциявий кафолатлар белгиланди. Бунда, энг аввало, фуқароларнинг жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинди.

Мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сирасига фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, миллат ва элатларнинг маданий, тил ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ўзаро ҳурмат қилиш кабилар киритилиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқароларнинг жамоат ва давлат қурилишида иштирок этишини таъминлаш конституциявий кафолат сифатида эътироф этилди.

Иккинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг замонавий давлат сифатидаги ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмига айланди. Миллатлараро муносабатлар ва дин соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти фуқароларнинг дини ва миллатидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини оширишга қаратилди.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатлари ижро ҳокимияти — адлия органларидан судларга ўтказилиб, уларнинг фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланди. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи миқдори беш бараварга камайтирилиб, ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

2019 йилда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланиб, диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча қарорлар қабул қилинди. Концепцияга кўра, мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш, турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш бўйича янги тизим жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита фаолияти такомиллаштирилди

Учинчидан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш борасида институционал ёндашув йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессия ишлари бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари ҳисобига кенгаш таркиби 9 нафардан 17 нафар аъзога кенгайди. Биринчи марта кенгаш аъзолигига аъзолари оз сонли диний ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам киритилган ҳолда, жамоатчилик маслаҳатлашув органи ҳисобланган мазкур кенгашнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги мавжуд диний-ижтимоий жараёнларни муҳокама қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат этиб белгиланди.

Ўзбекистон ҳудудида яшаётган миллатлар урф-одати ҳамда ислом динининг маданий ва цивилизацион мероси, маънавий-фалсафий аҳамиятини чуқур ўрганиш бўйича ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб бундан кўзланган асосий мақсад — фундаментал илмий тадқиқотлар натижалари

асосида диний бағрикенглик, миллатлараро муносабатларнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва уни бугунги кун шароитида ривожлантиришдан иборат бўлди. Бу борада Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро тадқиқот марказлари ташкил этилди.

Тўртинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Ҳукумат халқаро ташкилотлар ҳамда ушбу соҳадаги мутахассислар билан конструктив мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зейд Раад Ал-Хусейн ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Миллий озчиликлар бўйича Олий комиссари Ламберто Заниернинг мамлакатимизга ташрифи чоғида мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотлар муҳокама қилинди ва халқаро мутахассислар томонидан бу борадаги ўзгаришларга юқори баҳо берилди.

2017 йилда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора мамлакатимизга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ташриф буюриб, унинг тавсиялари асосида 2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш юзасидан таклифи қўллаб-қувватланиб, ушбу ҳужжат 2018 йил 12 декабрда яқдил овоз билан қабул қилинди.

2017 йилдан Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Freedom House каби ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қила бошлади. 2018 йилда АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинликлар бўйича “алоҳида хавотирга молик” мамлакатлар қаторидан 2020 йилда эса “диний эркинликлар бўйича махсус кузатувдаги мамлакатлар” рўйхатидан чиқарди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, шу қаторда, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилди. Тарихда биринчи марта Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига кўпчилик овоз билан уч йиллик муддатга сайланди. 2021 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида”ги янги қонун Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлашнинг янги босқичи сифатида тарихда қолди. Қонунда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш билан боғлиқ тартиб соддалаштирилди. Бунда маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробарга камайтирилиб 50 нафар этиб белгиланди. Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электронлаштирилди. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилди ва уларни кўриб чиқиш муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди. Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қонун билан белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмаслиги таъминланди. Диний ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш масаласи фақат суд орқали амалга оширилиши назарда тутилди. Диний таълимнинг профессионал мақоми эътироф этилиб, мамлакатда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар дунёвий таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши қайд этилди. Диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний диний фаолият сифатида белгиланди. Мавжуд қонунчиликда “ибодат либоси”¹ тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд бўлмаганлиги сабабли ушбу норма қонунчиликдан чиқариб ташланди. Диний ташкилотларни тузиш билан боғлиқ маҳалла фуқаролар йиғини розилигини олиш билан боғлиқ тартиб бекор қилинди. Жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилаётган гуруҳларнинг фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга рухсат берилиши белгилаб қўйилди. Диний таълим муассасаси, диний ташкилот, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи, маҳаллий диний ташкилот, миссионерлик, қонунга ҳилоф диний фаолият, диний профессионал таълим, прозелитизм тушунчаларига таърифлар берилиб, ушбу тушунчалар аниқ, равшан тарзда баён этилди. 2022 йилда Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинди. Бу низом диний адабиётларнинг қонун доирасида тарқалишини, жамиятда турли ёт қараш ва ғоялар тарқалишининг олдини олишни таъминлашга хизмат қилди. Мамлакатда фаолият олиб бораётган диний таълим муассасаларини модернизация қилиш билан бирга уларнинг сони кўпайтирилди.

2017 йилда олий диний таълим муассасаси сифатида Бухорода Мир Араб

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 01.05. 1998 йилдаги қонуни 14-модда. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда;

Олий мадрасаси фаолият бошлади. 2018 йилда Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошларимизнинг улкан илмий меросини пухта ўзлаштирган, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш мақсадида Ҳадис илми мактаби фаолияти йўлга қўйилди. 2024 йилда Муқаддас ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, ватандошимиз Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий таваллудининг 1200 йиллиги арафасида Термизда Имом Термизий номидаги ислом институти ташкил этилди. Диний таълим муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг сонини кўпайтириш профессионал диний соҳадаги кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида миллий-маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтириш, хорижий тилларда фаолият юритаётган ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини тарғиб қилаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ислохотлар, яратилган ҳуқуқий асослар натижасида бугунги кунда турли диний конфессиялар вакиллари диний байрамларни эмин-эркин ўтказмоқда. Зиёрат туризмини сифатли ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари учун ҳаж квотаси 3 баробар оширилди, умра зиёратига квоталар чеклови бекор қилинди. Бунинг натижасида Саудия Арабистонига ҳаж ва умра зиёратини амалга ошириш учун борган зиёратчилар сони қарийб 800 минг нафарга етди. 10 мингдан зиёд насронийлар, яҳудийлар, баҳойлар, кришнавийлар, буддавийлар ўзлари учун муқаддас деб билган дунёнинг Россия, Туркия, Италия, Арманистон, Исроил, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Грузия ва Греция каби турли ҳудудларида жойлашган диний зиёратгоҳларга ташриф буюришди.

Диний таълим тизими ривожига қаратилган эътибор туфайли бугунги кунда

Ўзбекистонда 4 та олий ислом таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом билим юртлари, шу жумладан 2 та аёллар мадрасаси, шунингдек православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда².

Ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар меросини илмий-амалий ёндашув асосида ўрганиш, шунингдек диний таассублар билан боғлиқ хавфларнинг мафкуравий асосларини тадқиқ этиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари кенг қамровли изчил фаолият юритмоқда.

Виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш йўналишида сохта диний эътиқодлар таъсири остида тақиқланган ташкилотлар таркибига кириб қолган шахсларнинг ижтимоий мослашувига алоҳида эътибор қаратилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлиги учун жазо ўтаётган, ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан тарихда биринчи бор ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан афв этиш тўғрисидаги фармонлар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

2019-2021 йилларда “Меҳр” инсонпарварлик операциялари доирасида мамлакатимизнинг 531 нафар фуқароси Яқин Шарқдаги ҳарбий-можароли ҳудудлардан Ўзбекистонга қайтарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик амалда таъминланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида барқарор ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1037-сон қонунига илова “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепцияси” қабул қилиниши билан давлатнинг дин соҳасидаги сиёсати аниқ кўрсатиб ўтилганлиги натижасида қонунчиликдаги бўшлиқларнинг бартараф этилишига эришилди. Давлатнинг диний соҳадаги сиёсати принциплари аниқ белгиланиб, дунёвий давлат асослари тўғри талқин қилиниши натижасида жамиятда зиддиятли вазиятларнинг олди олинмоқда.

Ушбу ҳуқуқий ислохотлар натижасида илм-фан ва технологик ютуқлар сони ошиб, уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятига эътибор янада кўпаяди. Замон билан ҳамнафас бўлиш натижасида мамлакатимизнинг глобал рақобат майдонидаги ўрни мустаҳкамланади. Барқарорлик таъминланиб

²Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1037-сонли Қонунига илова Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати Концепцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1037/0187-сон)

фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқлари қонун устуворлиги асосида янада ишончли ҳимоя қилинади.

Ўзбекистонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг турли диний конфессиялар вакиллариининг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун амалга ошираётган тизимли фаолияти мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг янги самараларини беради.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистонда инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлмиш виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш асносида мамлакатимизнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига янада мукаммал мослашувини таъминлайди. Ўзбекистоннинг виждон ва эътиқод эркинлиги соҳасидаги глобал позициясини янада мустаҳкамлайди

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)
2. Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон)
3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1037/0187-сон)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига 1-илова 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон;
6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Резолюцияси. “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил 12 декабрь).
7. (www.un.org). БМТ расмий сайти
8. (www.ohchr.org). БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши расмий сайти
9. (www.freedomhouse.org). Freedom House расмий сайти